



ЁХУД ТУРКИСТОН ФОЖЕАЛАРИДАН БИР ЛАВХА

БИЗ ХОЗИР ШУНДАЙ ПАЙТГА ЕТИБ КЕЛДИККИ, ХАР КУНИ ЎН МИНГЛАБ КИШИЛАР КИРИЛИБ КЕТМОҚДА ВА ШУНДАЙ ПАЙТ КЕЛИШИ МУМКИНКИ. БУТУН БИР МИЛЛАТ ЙЎК БУЛИБ КЕТАДИ.

Турор РИСКУЛОВ

Хар бир миллатнинг ўз ўтмишига кизикиши беҳад кучайган ҳозирги кунда тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини қайта кашф этаётирмиз. Марказий матбуот саҳифаларида Волга бўйида 20-йиллар бошида ва Украина ҳамда Козогистонда 30-йиллар бошида уюштирилган очарчилик фожеаларига оид дахшатли маълумотлар кўп марта берилди. Бирок 1917—1919 йилларда Туркистонни камраб олган очарчиликнинг огир оқибатлари ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз, якин-якинларгача бу фожеа тез ва муваффақиятли ҳал этилган, деб ҳисобланди.

Аслида-чи! Ўша даврда эълон қилинган статистика тўпламлари, архив манбалари, давлат арбоблари камда тарихчи олимларнинг асарларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, бу фожеа кўлами жихатидан юқорида айтилган ХУДУДлардагидан қолишмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Бирок улардан фаркли ўларок, бизда халқаро ташкилотлар ёрдами ҳам уюштирилмаган, озик-овқат билан бир қадар таъминланган жойларга аҳоли кўчирилмаган ҳам.

Очарчилик сабаби нималарда эди! 1917 йилги Октябрь тўнтаришига қадар Туркистонга ўз ғалласи етишмас эди. Ўтган аср охири — асримиз бошларида ўлкада бог-роғ, ғалла, полиз ва бошқа экин майдонларининг узлуксиз қисқариши ҳисобига пахта яққаҳоқимлиги кучайиб борди. 1915 йилда тайёрланадиган барча пахта хомашёсининг бешдан уч қисми Фарғона вилоятига тўғри келарди. Бу ерда жами сугориладиган майдонларнинг 60—80 фоизида, айрим бўлисларда эса 95 фоизида пахта

етиштириларди. Самарканд ва Еттисув вилоятларида зарур галланинг бир кисми экиларди, холос. Туркистоннинг тўкимачилик саноати марказлари ва дон-дун етиштириладиган губерниялардан узоклиги галла ташиб келтири-ни кимматлаштирар, пахта нархини эса арзон килиб юборарди. Собик совет давлатининг таникли арбобларидан бўлган Турор Рискулов шундай ёзган эди: «Туркистондаги очарчилик чоризм эксплуататорлик фаолияти колдирган мерос ва макаллий хўжалик юритиш шакллариининг колоклиги туфайлидир». Бирок очарчилик факат чоризм туфайли эмас эди, большевиклар сиёсати хам бунга яхшигина «кисса» кўшган.

Хаммасини бир бошидан бошлайлик. Биринчи жакон уруши Русиянинг озик-овкат билан таъминлаш ахволини кескин ёмонлаштирди. 1916 йил охирларидан Туркистонга галла юбориш кискарди. 1917 йил апрелида бутун мамлакатда очарчилик бошланди. Августда махаллий озик-овкат кўмиталари Вактли хукуматни «очарчилик билан курашишга куч йўк» мазмунидаги телеграммаларга кўмиб юборди. Буниинг устига 1917 йил ёзида Туркистонда кургокчилик бўлди, бу хол келгуси йили хам такрорланди. 1917 йили хосилнинг атиги чорак кисми олинди. Дон махсулотлари экиш багоят кискариб кетди (1916 йил Кўзголониининг давом этгани, эркакларнинг мардикорликка олиниси, дехкон хўжалигининг умумий инкирози бунга сабаб бўлди. Лалмикор ерлар яроксиз холга келди. Масалан, 1917 йилнинг кузида Самарканд уездигаги Чашмаиоб бўлисида ахоли бедадан тайёрланган ёвгон билан озикланган.

Бир неча ўн йиллар четдан галла олган туркистонликлар, Русия билан иктисодий алокалар тўлик узилганига карамай, ўз ахволини тезда ўнглай олмади, бирок секин-аста пахта майдонини кискартириб бугдой, шоли, жўхори, тарик етиштира бошладилар. Бу хол Туркистон ахолиси умумий фаровонлигини пасайтирди, чунки, алмаштиришга пахта колмади ва озик-овкат масаласи хам хал бўлмади. Кўпчилик деккон, чорикор ва мардикорлар, шахарликлар, харбийлар келтириладиган галласиз яшай олмас эди.

Совет хокимиятининг иктисодий сиёсат бобидаги хатолари ўлганнинг устига тепган бўлди. 1918 йил 28 февралда Туркистон ХКС раиси, большевик Ф. Колесовнинг пахтани одамлардан очикдан-очик мусодара этиш хакидаги декрети эълон килинди. Жойларда махаллий хокимиятнинг ўзбошимчалиги, жабр-зулми, шахсий «хисоб-китоб» килишлар авж олди. Бундан ташкари, 5 март куни пахтамой саноати корхоналарини национализация килиш, яъни хусусий мулкни давлат мулкига ўтказиш хакида декрет эълон килинди. Киска муддатда бундай корхоналардан 274 таси эгаларидан тортиб олинди. Илгари четдан келтирилган энг яхши сифатли галладан 3 баравар киммат турган пахта энди белгиланган катъий нархидан анча кадрсизланди; галланинг нархи осмонга чикиб кетди. Туркистон ахолисининг такдири бир неча кун ичида хал бўлди кўйди.

Пахтани мусодара этиш хакидаги декрет «Фаргона узра момакалдирок каби гумбурлади», деб ёзганди харбий тарихчи Д. Зуев. Унинг таъкидлашича, босмачилик деб аталадиган харакат шу пайтдан пайдо бўлди, декконлар, аравакашлар, юкчилар ва бу каби юз минглаб кишилар ишсиз колди. Ўша йиллардаги турли сиёсий карашлар эгалари, социал-иктисодий бўҳронларни кўрган кўпчилик кишилар шу фикрга кўшилишади. Уларнинг таъкидлашича, ўша даврдаги хукумат рахбарлари босмачилик харакатининг

чукур иктисодий сабабларини дастлабки пайтда тушуниб етмадилар.

Кургокчилик факат деккончиликка эмас, шунингдек чорвачиликка ҳам кучли зарба берди, бундан илгари эса чорва моллари кўшин учун сафарбар килинган эди. 1917—1918 йиллари суронли келган кишда минг-минглаб мол кирилиб кетди. Самарканд вилоятидаги кўчманчи аҳоли яшайдиган жойларда чорва моллари 73 фоизга камайди. Туркеспуубликада 1920 йилга келиб, 1917 йилга караганда чорва моллари икки баравар камайиб кетди, ўзига тўк хўжаликлардагина омон колди. Куруккина килиб ёзилган бу статистика хисоботларига назар ташлагандаёк. 1917 йилги «дунёни титратган инкилоб» (биз уни хар йили 7 ноябрда байрам килиб келдик миллионлаб оддий одамлар учун канчалик кулфат, азоб-укубатлар келтирганини яккол кўрамиз.

Туркистонда мисли кўрилмаган очарчилик туфайли дакшатли ўлат, терлама, кинг [яъни зангила) касалликлари оммавий таркалди. Оч кишилардан иборат оломон нон сўраб озик-овкат кўмитаси биносини ўраб олади. Озик-овкат комиссарининг марказга йўллаган телеграммаларида айтилишича, бутун ўлкада ахвол жуда жиддий, Туркистон «халокат ёкасида турибди». 1918 йил январиди ўлка озик-овкат сьезидида вилоятлардан келган вакилларнинг айтишича, «аҳолининг асаби жуда таранглашган. Халитдан дахшатли очарчилик исёнлари бошланмокда».

Гражданлар уруши бошланиши билан ахвол бундан ҳам огирлашди. Кўпгина туманлардан очликдан ўлаётган одамлар какида хабарлар кела бошлади. Хаммадан кўра махаллий миллатлар кўп жабр чекди. Г. Сафаров ўзининг «Колониальная революция» китобида ёзишича, «ўзи шусиз ҳам камбагал бўлган мусулмонларни очарчилик бундан ҳам кучлирок гирибонидан олди».

Очарчиликдан халок бўлганларнинг аник хисоб-китоби йўк. Харбий харакатлар ва транспорт алокалари узилган шароитда аник кисоб юритиш какида сўз бўлиши мумкинмиди! Буни факат статистика маълумотлари асосида хисоб-китоб килишимиз мумкин: Туркеспуублика аҳолиси 1917—1920 йиллар оралигида 1 миллион кишига — бешдан бир кисмига кискарган! Хаммадан кўп мехнатга лаёкатли эркалар кирилиб кетган. Кўчманчи аҳоли кўпрок яшайдиган Еттисув, Сирдарё, кисман Самарканд вилоятларида анчагина одам очликдан ўлди.

Самарканд вилоятининг Жиззах уезидида 1916 йилги кўзголондан буён огир ахвол хукм сурарди. Маълумотларга кўра, 1917—1918 йилги каратон киш пайти «бу ерда аҳоли пашша каби кирилиб кетган... мурдаларни йигиштириб олишга одам йўк эди, уларнинг ит ва чиябўрилардан ортган колдиклари хар кадамда учрар, бу бечораларнинг суяклари 1919 йилдагина тугал йигиштириб олинди». Атрофда очарчилик хукмрон эди. Омон колган кўчманчилар Бухоро ва кўшни вилоятларга кетиб колишди. Тургун аҳолининг ахволи нисбатан тузук эди, бирок дехкончилик билан шугулланиладиган туманларда аҳоли анча сийраклашиб колди.

Турор Рискулов Советларнинг VII сьезидида бутун бир миллат йўк бўлиб кетиши мумкинлиги хакида гапирганда унинг сўзларида кучли дард бор эди. Очарчилик жуда бир олий нуктага етиб, кишилар шу даражага етказилган эдики, бу ўлка тарихида

бўлмаган одам гўшти ейиш, одамхўрлик хакидаги фактлар суд ишларида кайд этила бошлади. Кўз кўриб, кулок эшитмаган бу ходисалар хакида озик-овкат комиссари, большевик В. Ляпин «Марказий Русиядаги очарчиликлар Туркистондаги дахшатлар олдида ҳеч нарса эмас», деб ёзган эди.

Туркистондаги совет кокимияти оч колганларга ёрдам учун турли кўмиталар ташкил этди, съезд, курултой ва бошка йигилишларда бу масалани кўп марта кўриб чикиб, карорлар кабул килди. Бирок бу харакатлар кутилган натижани бермади. Турли шахарларда арзон ва бепул ошхоналар очилди. 1918 йилда Туркистон бўйича 3 миллион, 1919 йилнинг 5 ойи мобайнида эса 32 миллион тушлик овкат ташкил этилди. Бирок бу ракам бир карашда кўпга ўхшаб кўринса-да, аслида, хар бир оч колган кишига ўрта хисобда хафтасига бир яримта(!) тушлик тўгри келар-ди. Умумий очарчилик шароитида бу овкатланиш жойлари-да чайковчилик кучайганини ҳам унутмаслик керак.

1918 йилда Тошкентда хайр-эхсон ташкилоти — оч колганларга ёрдам бериш Туркистон жамоатчилик ташкилоти тузилиб, у ўлка кишлоқ хўжалиги жамиятининг раиси, таникли олим Р. Шредер ташаббуси билан иш бошлади. Тошкент ижрокўми карори билан бу ташкилот Марказии мекнат кооперативи ихтиёрига ўтказилди. Кўмита арзон ошхоналар тармоги ва «Бир пиёла чой» кафесини ташкил этди, уни бу ишда махаллий хокимият кўллаб-кувватлади. Ўз навбатида, бу кўмита карамогидаги кооператив унинг фаолиятига халакит бериб, ошхоналар керак эмас деган муносабатда бўлди. 1919 йил декабрида ошхоналар меҳнат кооперативи ихтиёрига ўтказилди.

Бу мисолдан кўриниб турибдики, давлат органлари бу хайр-эхсон ташаббусини нафакат кўллаб-кувватламади, балки тўскинлик килиб, оч колганларга ёрдамни марказлаштиришга интилди. Шу боис бу муҳим ишдаги хайр-эхсончилик фаолияти кенг кулоқ ёзмади.

Очарчилик билан кураш бўйича марказий комиссия карамогида 1919 йил бошига келиб 800 минг нафар (олдинги йилгидан анча кўп), апрель ойида эса карийб бир миллион оч колган кишилар бор эди. Айрим маълумотларда бу ракам 1 миллион 200 минг киши эди, деган мисоллар бор.

Овкатлантириш жойларида оч колганларни гуруҳларга: меҳнатга ярокли, кам кувватли ва касалларга ажратилган. Меҳнатга ярокли кишиларни (оч колган одамларнинг ярми) касб-кунари бўйича гуруҳларга бўлиш ва устахоналар (тўкимачилик ва бошқалар) ташкил этиш лозим эди.

Бундан ташқари, меҳнат биржаси орқали иш топганларга кам ҳақ тўланар, ишсизлар ундан бўйин товлашар-ди. Масалан, экин-тикин ишларига юборилган оила топганини еб битирар ва кишга ҳеч нима колмасди. Айни пайтда нон эвазига хусусий ишга ёллаш ҳам кенг тарқалган бўлиб, ўзаро келишув бўйича иккала томон йил бўйи таъминланарди.

Галати вазият юз берди: ҳамма жоида ишчи кучига катта эктиёж бўлишига карамай оч колган кишилар таклиф этилган шартларга кўнмасди. Уларни таъминлашга давлат маблаги етишмади. 1919 йил апрелида Туркистон МИК Очарчилик бўйича комиссиясига

кузга бориб оч колганлар ўз-ўзини бокиши, кийим-кечак билан таъминлаши бўйича чоралар кўришни таклиф этди. Ўшанда, Советларнинг VII съездида ишга лаёқатли оч колган кишиларни ўрта кол кишиларга етиштириладиган экинларга шерик, пайчи сифатида бириктириб қўйиш (хусусий ишга ёллашни конунлаштириш) какида таклиф киритилди.

Шу йилнинг бахорига келиб бу комиссиянинг ярим йиллик фаолиятига якун яшаш мумкин эди. Советларнинг VII съездида Т. Рискулов комиссия якинда тузилгани ва мохиятан бирор нарса қилишга улгурмаганини қайд этди. Агар озик-овкат бўйича комиссарлик, Ўлка озик-овкат директорияси ва бошқа иктисодий органлар бевосита ўз вазифасини бажарганида очарчилик билан кураш бўйича ҳеч қандай махсус комиссиялар керак бўлмасди. Бу органлар эса ҳеч нарса қилмади, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Агар миллионлаб оч колган кишилар мушт ўкталиб, МИК ёки озик-овкат директориясига қелганлари-да ҳеч қимни соғ қолдирмаган бўларди, бироқ улар уюлмаган эди. Оч-наҳор колган йўқсиллар айниқса маҳаллий аҳоли жимгина жон бераверди. Рискулов шуни ҳам таъкидладики, «халок бўлган бу кишилар... совет ҳокимиятини қутқариб қолди, дейиш мумкин».

МИКнинг 1919 йил 31 июль қарори билан бу комиссия Халқ хўжалиги марказий кенгаши ихтиёрига ёрдамчи орган сифатида ўтказилди. Т. Рискулов ушбу комиссия фаолияти туфайли ҳаёти саклаб қолинганларнинг расмий рақамини қелтирди, улар қарийб 1 миллион кишини ташкил этди.

Бу қулфатнинг қўлами ва оч ақолининг даҳшатли аҳволини ҳукумат аъзоларидан ҳаммаси ҳам тушунавермади (улар орасида. масалан, эсер К. Успенскийдан тортиб то большевик, ўзини «Ўрта Осиё Ленини» деб атаган И. Тоболингача бор эди.). Бунга қўп жихатдан шовинистик муносабат, яъни ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик қабил маҳаллий миллатларга қаст назар билан қараш сабаб бўлди.

Советларнинг VIII съездида рус шовинистлари никобини йиртиб ташлайдиган бир мисол қелтирилди. Улуг ўзбек маърифатпарвари, Туркистон халқларининг мустақиллиги йўлида фидокорлик ва жонқозлик намуналарини қўрсатган Мунаввар Қори ўз сўзида бундай деди: «ТуркМИК га савол берилдики, Перовск уездининг қўчманчи аҳолиси Окмўла вилоятига кетиб қолгани ҳукуматга маълумми, деб. Бунга ўрт. Успенский жавоб берди: ҳа, ҳукумат билади, қўчманчи аҳоли қўчиб қетяпти. Бизга эса шу нарса ҳам маълумки, мусулмон аҳолисининг 50 фоизи очликдан ўлди. Энди, ўрт. Успенскийнинг бунга нима дейишини эшитишни истардик. У ҳар ҳолда шундай деган бўларди: ҳа, ўлиш одамларга ҳос нарса, шунинг учун ҳам улар ўлиб қетишди...» Мунаввар Қори бу ўтқир қинояли гап билан Туркистоннинг ўша вақтдаги раҳбарларини сўз билан «узиб» олган эди.

Хуллас, 1917 йилда бошланган озик-овкат қаратқилиги 1921 йилга қадар қўзилиб қетди (Очарчилик билан қурашиш бўйича комиссия қарат 1922 йил 10 октябрда тугатилди.). Хўжалик ҳаётининг ҳамма соҳаларида вайронагарчи-лик қучайди. 20-йиллар бошларида ақвол секин-аста ўнғиланиб қорди, экин-тикин майдолари қенгайиб қорди.

Туркистонда социалистик деб аталмиш мавхум жамият курилиши «тажриба»ларидан бири шундай фожеали тугади. Хозирги авлодлар мазкур халокатлар кайталанмаслиги учун тарихимизнинг бундай ўқилмаган саҳифаларидан яхши хабардор бўлишсин. Биз, тарихчилар шунга хизмат килишимиз керак.